

Александр  
Сергеевич Пушкин

# Евгений Онегин

Ишқ  
қиссаси



Ғафур Ғулом номидаги  
нашириёт-матбаа ижодий уйи  
ТОШКЕНТ – 2019



А. С. ПУШКИН



# ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН

*Шеърий роман*

Faфур Fулом номидаги  
нашриёт-матбая ижодий уйи  
ТОШКЕНТ – 2019

УЎК 821.161.1  
КБК 84(2Рос=Рус)1  
П 96

*P u s t i l i d a n  
Ойбек таржимаси*

**Пушкин**


Евгений Онегин: шеърий роман. / Пушкин. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. – 204 б.

Уз вактида “Рус шеъриятининг қуёши”, деб ном олган Пушкин насрда ҳам, назмда ҳам самараали ижод қилган буюк сиймодир. У янги рус адабиётининг асосчиларидан бири сифатида рус маданияти тарихида чуқур из қолдирди. Қўлингизда рус шоири Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърий романни Ойбек томонидан ўзбек тилига ўтирилган. Ушбу асар маънавиятингизни бойитади, деган умиддамиз.

УЎК 821.161.1  
КБК 84(2Рос=Рус)1

ISBN 978-9943-6105-0-7

© Faafur Fулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2019



Petri de vanite il avait encore plus de cette espece d'orgueil qui fait avouer avec la meme indifference les bonnes comme les mauvaises actions, suite d'un sentiment de superiorite, peutetre imaginaire.

*Tire d'une lettre particulière<sup>1</sup>*

Ниятим: киборлар эрмаги эмас,  
Қадрлаб дўстликнинг илтифотини,  
Истадим, бағишлий меҳрингга эваз –  
Муносиб куйларнинг мукофотини.  
Токи, гўзал рухга бўлсин у манзур,  
Муқаддас хаёллар билан лим тўлғун,  
Тирик шеъриятки, тоза ва сернур;  
Унга юксак ўйлар, соддалиқ – мазмун;  
Хўб энди, орзуманд кўлинг чўз жасур,  
Қабул эт, ранг-баранг боблар ҳаммасин,  
Бу кулги ва қайфу аралаш, гўзал  
Ҳам ўзи халққа мос, ҳам соз, мукаммал.  
Ҳангомаларимнинг камтар мевасин;  
Ўйкусиз кечалар, енгил илҳомлар,  
Думбул, сўлғун йиллар ижодини, ҳам  
Юракнинг дардини қабул эт бу дам<sup>2</sup>.

---

## БИРИНЧИ БОБ

Ҳам яшашга ошиқади, ҳам ҳис этишга шошади.

*К. Вяземский<sup>3</sup>*

### I

«Тақводор, қоидапараст амаким  
Бўларкан касалга чинакам дучор,  
Ўзин иззатлашни у кўрди лозим,  
Бундан соз тадбирни топмокка ночор.  
Унинг бу килиғи бошқага ибрат:  
Лекин парвардигор, бу қандай заҳмат,  
Бемор киши билан кундуз ҳам, тун ҳам  
Ўлтириш, силжимай ундан бир қадам!  
Шу қадар тубанлик, маккорликки бу:  
Ўлимтик кишини сен овунтиранг,  
Тўшак-ёстиғини тузатиб турсанг,  
Дори-дармон берсанг босиб ғам-қайғу,  
Ва яна хўрсишиб, ўйласанг шу он:  
Қачон сенинг жонинг қабз этар, шайтон!»

### II

Шундай ўйлар эди ёп-ёш шумтака  
Почтовойда чангда ошиб дала, қир.  
Зевснинг<sup>4</sup> илохий иродаси-ла,  
Бутун акрабога у ворис ҳозир –  
Людмила, Русланинг<sup>5</sup> дўсту ёрони!  
Меним романимнинг шу қаҳрамони

Билан ҳозир сизни, муқаддимасиз,  
Таништириш учун рухсат этингиз:  
Танти бир ошнам бўлган Онегин,  
Нева бўйларида туғилган эди.  
Сиз ҳам у ерларда, ўкувчим, балки,  
Туғилган ё жилва қилгансиз ёрқин;  
У ерларда мен ҳам кезгандим бурун:  
Лекин зааралидир шимол мен учун (¹)⁶\*.


### III

Хизматин бажариб аъло ва софдил,  
Яшади отаси қарзи-курз билан.  
Уч дафъя бал<sup>7</sup> берди тарк этмай ҳар йил,  
Охир ажраганди бору йўгидан.  
Тақдир Онегинни сақтаган эмиш:  
Аввал уни *Мадаме*<sup>8</sup> қилди парвариш,  
*Монсиур*<sup>9</sup> олди унинг ўрнини кейин.  
Гўдак шўх, тийракди, суюмли лекин.  
*Монсиур* бир юпун француз эди,  
Ҳеч азоб чекмасин дея ёш бола,  
Ҳазил-хузул қўшди дарсига анча,  
Ахлок-одоб ила кўп қийнамади,  
Шўхлик килса агар енгил тергарди,  
Томоша-чун Ёзги бокка элтарди.

### IV

Келгач, Онегиннинг исёнчи, қизгин  
Йигитчалик даври ва тилак-армон,  
Нозик дард чекишлар даври, камтарин  
*Монсиур* ни қувдилар бу хонадондан.  
Энди Онегиним озодир мана;  
Сочлари қирқилган сўнгги модада;  
Лондон *дандеи*<sup>10</sup> сидай кийинган ғоят; (²)  
Киборлар оламин кўрди, нихоят.

\* Қавс ичидаги рақамлар – Пушкин изохлари.



Француз тилида уғоят тузук  
Сүзлар ва ёзарди фикрини равон;  
Мазурка<sup>11</sup> раксига тушарди осон,  
Салом ва таъзимлар эркин ҳам нозик:  
Ортиқ нима керак? Юксак доира  
Тан берди, у онгли ва дилбар, дея.

## V

Ўқидик оз-оздан ҳаммамиз бир кур,  
Жуда енгил-елпи ва чала-чулпа,  
Тарбия бобида, Тангрига шукур,  
Мактанишлик бизда қулайдир жуда.  
Онегин кўпларнинг (шартта ҳал қилган,  
Катъиятчи судлар) фикрича чиндан  
Эпчил бир олимдир ва лекин педант,<sup>12</sup>  
Унинг фармонида баҳтиёр талант:  
Суҳбат мушкулини енга олади,  
Ҳар бобни енгилтак бир чўкиб ўтиб,  
Муҳим баҳсада ўзин билимдон тутиб,  
Олимона сукут саклаёлади;  
Ҳам ўткир ҳажвлар ёлқини билан  
Кулдира биларди хонимларни шан.

## VI

Бу кун лотин<sup>13</sup> тили модадан чиқмиш:  
Сизга ҳақиқатин айтсам, Онегин  
Баъзи эпиграфлар маъносин ечиш,  
Мактуб охирига бир *Vale*<sup>14</sup> сўзин  
Ёзишга, Ювинал<sup>15</sup> ҳақида бирор  
Гап учун етарли лотинча билар.  
Яна бир-икки шеър Энеидадан<sup>16</sup>  
Чала-чаттигина ёдида қолган.  
Дунёнинг саргузашт тарихин узок  
Ўтмиш даврларнинг ботиб чангига,  
Тимирскилаш учун йўқ ҳавас сира:  
Ва лекин Ромулдан<sup>17</sup> бошлиб то шу чок


Кечган замонларнинг латифаларин  
Эсидан чиқармас эди Онегин.

## VII

Нозик садоларга умрин ҳис билан  
Бағишлишга йўқди унда зўр ҳавас.  
Қанча уринмайлик, Онегин зотан,  
Хорейни ямбдан<sup>18</sup> фарқ қила билмас.  
Койирди Гомерни ҳам Феокритни<sup>19</sup>,  
Аммо ўқир эди Адам Смитни<sup>20</sup>,  
Иқтисодчи эди Онегин чуқур,  
Яъни мулоҳаза у қилаолур:  
Давлат қандай қилиб бойийди олдин,  
Сўнгра нима билан яшар ва нега  
Оддий маҳсулотга у бўлса эга –  
Унга керак бўлмас хаттоки олтин,  
Буни англаёлмас эди отаси,  
Гаровга қўйилди ери-даласи.

## VIII

Евгенийнинг яна бор маълумотин  
Айтиб беришликка йўқ менда дармон;  
Лекин қайси бобда у доҳийди чин,  
Ва қайси илмда у зўр билимдон?  
Ёшлигидан бери Онегин учун  
Ҳам емак, ҳам азоб, ҳам ором, ҳар кун  
Унинг қайғу-ҳасрат аралаш, хаста,  
Танбал ҳаётини тўлдирган нарса –  
Муҳаббат, эҳтирос илмидир бироқ.  
Бу ҳисни этмишди Назон<sup>21</sup> тараннум,  
Шунинг-чун кўрганди у жазо, зулм;  
Молдавия чўли ичида узоқ  
Кувилиб ўз юрти Италиядан,  
Исёнкор ва порлок умрин тугатган.



## IX

## X

Күп барвакт ўрганди риё хунарин,  
Умидни яширап, раشكни яширап,  
Қайгули күринар, күзлари ғамгин,  
Ҳам алдар, ҳам аврар, ҳам инонтирап,  
Гоҳ мағрур күринар, гоҳ итоаткор.  
Үйчан ё паришон бўлишга тайёр!  
Дам қандай паришон сукутга чўкар;  
Дам қандай оташин бир нотик бўлар,  
Ишқий мактубларда у қандай қайдсиз!  
Бирига берилиб ва севиб бирин,  
Қандай унудиши биларди ўзин!  
Бокиши қандай тез, нозик ва тамиз,  
Уятчан ва жасур, лекин баъзи чок  
Хоҳласа, кўз ёшин оқизар порлок.

## XI

У қандай ўзгача кўриниб, ҳазил  
Ила маъсумликни ҳайратга солар,  
Дарҳол маъюсланиб, қўркитиб енгил,  
Ёқимли хушомад билан овутар;  
Илишга устадир ихлос лаҳзасин,  
Кизлик иффатининг мулоҳазасин –  
Ақл-у эҳтирос-ла енгиб, у охир –  
Хоҳ-ноҳоҳ илтифот кутмоққа моҳир.  
Ёлвориш, эътироф талаб қилишни,  
Қалбнинг илк садосин тинглашни зимдан,  
Ёр кетидан чопиб, ногоҳ у билан  
Махфий учрашувни, кўлга илишни  
Биларди... сўнг ёр-ла ёлғиз бирпасда –  
Хилватда сабоқлар бермоққа уста.

## XII

Донғи чиқкан танноз хотинлар калбин  
Үйнатишга қандай ўрганди эрта!  
Истаса, агар у ўз рақибларин  
Бутун йўқотишини, у шундай пайтда  
О, қандай заҳар тил билан узарди!  
Қандай тузокларни у ҳозирларди!  
Бахтлиман, деб юрган эрлар, сиз лекин  
Юрдингиз у билан дўст бўлишиб чин...  
Айёр эр ҳам иззат қиласади ростдан,  
Фобласнинг<sup>22</sup> қадимий талабаси-да,  
Ҳаммадан ишончин узган кекса-да,  
Ҳарвақт ўзидан ҳамда овкатдан,  
Хотинидан рози бўлган улуғвор,  
Алданган эрлар ҳам унга лутфкор.

## XIII, XIV


---

---

---

## XV

Ҳали у ётоқдан турмаган экан:  
Унга келтиришар бир канча мактуб,  
Нима гап? Таклифми? Шу кечга чиндан  
Учта хонадонга бориши матлуб.  
Бир ерда бал, бирида гўдак байрами,  
Қаерга югурап арзандам ҳали?  
Кимдан бошлайди у? Локин барибир  
Ҳаммасин уддалаш эмасдир оғир.  
Ҳозир эрталабки кийимида ул.  
Бошига кийган у кенг бир боливар<sup>23</sup>, (3)  
Онегин гердайиб боради булвар  
Кенг майдон, у ерда кезади буткул,



То тушлик овқатга Брегет-соат  
Жаранглаб дайдини қилгунча даъват.

## XVI

Тушди коронғулик; ченага минар,  
«Хайт, жонвор, чу-чу!» – учар қичкирик.  
Совук қор учкунни кумушин сепар,  
Ялтирайди юмшок барра ёқалик.  
Машхур ресторанга Онегин чопар,  
Каверин<sup>24</sup> кутади унда, ишонар.  
Мана келиб кирди: май ҳам шишадан  
Тошиб, пробкани шипга отар шан.  
Сели оқиб турган Роаст-бееф<sup>25</sup> бунда,  
Ёш өғелар безаги, лазиз таомлар,  
Фаранг дастурхоннинг гули саломлар.  
Страсбургнинг иссиқ сомсаси шунда,  
Тураг Лимбургский – тоза, хуш, пишлок,  
Ҳам тотли, олтиндек ананасга боқ!

## XVII

Серёф иссиққина котлетдан кейин  
Ҳали қадаҳларга чанқоқди лаблар,  
Соат жаранглайди янги бир ўйин,  
Янги бир балетдан беради хабар.  
Театрнинг ёвуз қонуншуноси,  
Саҳна орқасининг фахрий аъзоси,  
Фоят жозибали актрисаларга  
Шамолдай карорсиз, топинган банда –  
Онегин тез учар театр сари,  
Бу ерда ҳар киши яйраган, эркин,  
Балет-ракс авжларин олқишлиар, кейин  
Иzzалаб Федрани, Клеопатрани,  
Моинани<sup>26</sup> ҳар ким қилади даъват,  
Унигина ҳамма эшитсин фақат.

## XVIII


Эй сехрли диёр! Утмиш замонда  
У ерда журъатли хажвда устоз,  
Эрк дүсти Фонвизин<sup>27</sup> сурди дабдаба,  
Ва унда Княжин<sup>28</sup> маълум тақлидбоз.  
У ерда Озеров<sup>29</sup> халк кўз ёшларин,  
Гулдурос олқишилар ва кутлашларин  
Семёнова<sup>30</sup> билан бўлишди инок.  
Корнелнинг<sup>31</sup> азамат даҳосин бир чоқ  
У ерда Катенин<sup>32</sup> тиргизган эди.  
Захар Шаховский<sup>33</sup> чиқарди яна  
Комедиялардан суронли гала.  
Унда Дидло<sup>34</sup> шухрат тожини кийди;  
У ерда, театр тин кўлкасида  
Меним ёш чоғларим кечди бир сира.

## XIX

Менинг париларим! Билай, қайдасиз?  
Тинглангизлар меним ёниқ фарёдим:  
Яна ўшамисиз? Ё бошқа кўп қиз  
Сизнинг ўрнингизни босгандур, балким?  
Яна тинглайманми куйингиз андак?  
Рус Терпсихори<sup>35</sup> бажарган юксак  
Руҳли рақсларни кўрармиканман?  
Ё ғамли нигоҳим ошинолардан  
Мароқсиз саҳнада тополмас бирин?  
Ёки мен бегона ҳайтга томон  
Ўксинган лорнетни<sup>36</sup> тутаман ҳайрон?  
Ўйинга бепарво бир томошабин  
Сингари бурчакда эснаб ўтирай,  
Ва ўтган дамларни эсгами олай?

## XX

Театр лиқ тўла; ложалар порлар;  
Партерлар, курсилар – бари қайнайди,



Раёкда сабрсиз чапак чалишар,  
Юксалиб юкори парда гурлайди.  
Мухташам ва енгил, ҳавойи-майнин,  
Камоннинг сехркор ёйига толғин  
Истомина<sup>37</sup> турар гўзал, нодира,  
Рақкос парилар-ла чизиб доира,  
Полга тегар унинг битта оёғи,  
Иккинчи оёқ-ла аста айланар,  
Нақ Эол<sup>38</sup> лабидан учгандек бир пар,  
Сўнг бирдан сакрайди, бирдан учади;  
Гоҳ қаддин бурайди, гоҳ тик туради,  
Латиф оёқларни тез-тез уради.

## XXI

Ҳамма чапак чалар. Онегин кирап.  
Курсилар оралаб босар илгари.  
Қўш лорнетни тутиб, кўзини тикар  
Бегона хонимлар ложаси сари.  
Ҳамма ярусларга отди бир караш,  
Ҳаммани кўрди у: чеҳралар, уст-бош  
Жихатдан унинг кўп дикқати ошди.  
Бош эгиб эркаклар билан сўрашди.  
Сўнгра караб турди саҳнага андак,  
Унинг боқишилари эди паришон.  
Оркага қайтаркан эснади бир он,  
Ва деди: «Ҳаммасин янгилаш» керак;  
Балетга шунча вақт сабр этиб тўздим,  
Лекин Дидлодан ҳам ниҳоят бездим. (⁴)

## XXII

Севги Тангрилари, жинлар, илонлар  
Ўйнашар, сакрашар ҳали саҳнада;  
Чарчаган лакйлар ухлаб ётишар  
Пўстинга ўралиб тиш остоңада.  
Ҳали тўхтамаган кезиш, типирлаш,  
Тупуриш, йўталиш, чапак, пикирлаш.

Ичкари, ташкари ҳали чароғон,  
Фонарлар ҳар ерда нур сочар хандон.  
Совуқдан отлар ҳам уринар ҳали,  
Эгар, жабдуклардан безган, чарчаган,  
Кучерлар гулханни ўраб курсаган,  
Сўкар жанобларни кафт ишқаб бари:  
Бизнинг Онегин ҳам чиқиб қолади,  
Уйга кийингали у йўл олади.

### XXIII

Танҳо бир бўлманинг мен тасвирини  
Чизаоламанми тўғри ва чевар,  
Бу ерда моданинг ўрнак шогирди  
Кийинар, ечинар ва пардоз этар?  
Резаворчи Лондон бўш хавас-орзу  
Учун не молларни ишлаб сотса-ю,  
Болтик денгизизда кўпирган тўлкин  
Бизга на келтирса ёғоч, мой учун...  
Фойдали бир хунар, санъат деб билса,  
Парижда очкўз завқ нимани бир кун,  
Энг янги сафо, ноз ва зийнат учун,  
Эрмак, шўхлик учун ихтиро қилса,  
Шуларнинг ҳаммаси ўн саккиз ёшли  
Файласуф уйини безарди яхши.

### XXIV

Истамбул каҳрабо трубкалари,  
Столда бронза, чинни қалашиб,  
Нозик хиснинг орзу ва нашъалари,  
Биллур шишаларнинг ичидা атири;  
Тароклар, пўлатдан кўп аррачалар,  
Тўп-тўғри ва эгри ҳар хил қайчилар,  
Чўткалар ўттиз хил, баъзиси тишга,  
Баъзиси тирноқни тоза қилишга.  
Руссо<sup>39</sup> (мен бу гапни қистириб ўтай),  
Англаёлмаганди ёнида доим

Тентакча хушсұхбат, савлатли Грим<sup>40</sup>  
Тирноказалашга жасорат қылғай<sup>(5)</sup>.  
Эрклик ва ҳуқукнинг у мудафийий,  
Мана шу тұғрида том ҳақсиз эди.

## XXV

Тирноказаллигин үйламоқ мумкин,  
Ишли, жиддий одам бұлсанг-да доим!  
Замон-ла бекорга баҳлашмоқ нечун?  
Инсонларда одат, мустабид ҳоким.  
Иккинчи Чаадаев<sup>41</sup> бизнинг Онегин,  
Гап-сүз бүлишиліктан күрқар эди чин.  
Кийини什 бобида у эди педант,  
Биз айтиб үтгандай олифта-франт.  
Лоақал уч соат үз вақтини у,  
Ойналар олдидә үтказар эди.  
Пардоз бұлмасидан у чиқар эди,  
Венерага<sup>42</sup> үхшаш енгил ва сулув:  
Эркакча кийиниб гүё бир парий  
Маскарадга борар ноз карашмали.

## XXVI

Сұнгги завқ-у дидга муносиб кийим,  
Пардоз-ла жалб этиб дикқатингизни,  
Онегин безагин ёза билардим,  
Билимдонларга ҳам мен танлаб сұзни.  
Жасорат бұларди, албатта, бу ҳам,  
Уни тавсифламоқ, зотан, вазифам,  
Нетайин, панталон, фрак ва жилет,  
Булар рус тилида йүқ, бу сұзлар чет;  
Буни күриб, айбим қиласман икрор,  
Ажнабий сұзлар-ла азалдан меним  
Камбағал сұзлигим бу билан балким,  
Бир қуроқ сингари товланмас бекор,  
Гарчи эски вақтда анжумани дониш<sup>43</sup>  
Чиқарған лугат-ла бұлсам-да таниш.

## XXVII

Бизнинг мавзуйимиз ҳозир бу эмас,  
Яхшиси бал сари ошиқайлик биз.  
Битта каретани<sup>44</sup> киралаб бирпас –  
Базмга Онегин жўнаб кетди тез.  
Қоронғи уйларнинг олдида ёнар,  
Уйкули кўчани тўлдирган қатор  
Кареталарнинг күш, шод фонарлари;  
Майин нур сочилар суюқ зар каби.  
Қорларга чизилар шуъладан ёйлар  
Атрофда юлдуздай кўп майда чироғ,  
Порлайди муҳташам катта уй шу чоғ;  
Яхлит ойналарда кўлкалар кезар:  
Бу – хонимлар, сатанг эркаклар шакли,  
Кўринар ва зумда йўқолар акси.

## XXVIII

Бизнинг қаҳрамон ҳам етиб келди, бок,  
Швецар ёнидан ўтди ўқ каби,  
Мармар зиналардан чикди учароқ,  
Тузатди қўллари билан сочини,  
Кирди ичкарига. Залда халқ тўлган,  
Мусиқа ҳам энди гуриллаб толган.  
Халқ бутун банд эди мазурка ила  
Ҳамма ёқда шовқин, уйлар лиқ тўла.  
Сувори зобитнинг<sup>45</sup> шпори жаранг;  
Сўлим хонимларнинг оёқчалари  
Учади; сехрли изларнинг зори –  
Ёлқинли қараашлар учар оташранг.  
Танноз хотинларнинг рашик имоларин  
Қоплайди созларнинг наъраси вазмин.

## XXIX

Нашъанинг, тилакнинг ўтган замони  
Балларга ишқибоз, ошуфта эдим.

Ишқ изҳор этгани, хат топширгани  
Бундан ҳам қулайроқ макон йўқ, балким.  
Эй сиз, эй муҳтарам эру хотинлар!  
Хизматимни таклиф қиласай бир қадар;  
Сўзимни тинглашни сўрайман сиздан.  
Огоҳ қилмокчиман сизни бир сўздан:  
Сиз ҳам, онажонлар, бўлинг эҳтиёт,  
Ўз қизларингизни таъкиб этингиз:  
Лорнетни жуда ҳам тӯғри тутингиз.  
Йўқса... йўқса... Тангрим сакласин, уят!  
Нечун буни ёздим сарф этиб сиёх,  
Чунки кўпдан бери қилмайман гуноҳ.

### XXX

Водариғ, ҳар турли ҳангома учун  
Кўпгина умримни мен исроф этдим!  
Ахлокка зиёни бўлмаса шу кун,  
Шу дамга қадар ҳам бални севардим.  
Мен жуда севаман жўшқин ёшликни,  
Кўпчилик дабдаба, шод бўлишиликни,  
Хонимларнинг завққа монанд безагин;  
Севаман уларнинг оёғин, лекин:  
Бутун Русияда топилармикан  
Уч жуфт энг келишган хотин оёғи?  
Оҳ, унотолмадим, қалбимда доғи,  
Бир жуфт оёқчани!.. Маҳзун, совинган,  
Ҳали ҳам эслайман; тушимда ҳатто,  
Қалбимни қиласи улар безовта.

### XXXI

Сен қачон, қаерда, кай чўлда бутун  
Эсдан чиқарасен уларни, тентак?  
Оҳ, латиф оёқлар! Қайдасиз бу кун?  
Қаерда босасиз баҳорги чечак?  
Шарқнинг сафосида сиз эркаланган,  
Шимолнинг қайгули қорида, лутфан,


Қолдирмай кетгансиз биронта ҳам из.  
Чунки сиз у ерда жондан севдингиз  
Юмшок гиламларнинг майнин бўсасин,  
Сиз учун бир маҳал, ахир унутдим,  
Шуҳрат, шон орзусин, туғишиган юртим,  
Тутқинда яшашнинг қайғу-жафосин?  
Йўқолди ёшликтининг баҳти ҳам эсиз,  
Бамисли майсада енгил изингиз.

### XXXII

Диананинг<sup>46</sup> кўкси ва Флоранинг<sup>47</sup>  
Ёноклари латиф, севикли дўстлар!  
Лекин меним учун Терпсихоранинг  
Оёғи негадур, латифроқ, дилбар.  
Бебаҳо мукофот ваъда этар у  
Ҳамиша кўзларга, пардозли сулув –  
Аёл юрагимда орзу ва армон  
Гирдобин чайқатар эсласам ҳар он.  
Севамен оёғин, дўстим Эльвина<sup>48</sup>,  
Столлар остига ташласам назар.  
Қиши фасли каминда<sup>49</sup> исинсак агар,  
Заллар паркетининг ойнасида ҳам,  
Денгиз қоясининг панасида ҳам...

### XXXIII

Қасирғали денгиз ёдимда ҳали:  
Унинг оёғига йиқилиш учун,  
Кетма-кет югурган тўлқинлар сари  
Боқиб, хўб қизғонган эдим мен у кун!  
Истардим у чоқда тўлқинлар ила  
Азиз оёқларга лабларим тегса!  
Йўқ, ёшлиқ палламда, қон қайнаганда,  
Дилимни ишқ ўти банд айлаганда,  
Мен ҳеч қачон шундай бир азоб билан  
Жононларнинг гулдай юзин ё лабин  
Ёки меҳр тўла нафис кўкрагин



Үпишни бу қадар истамаганман.  
Йўқ, ҳислар хужуми ҳеч қачон мени  
Бу қадар тўсиндан ўртаб эзмади.

### XXXIV

Ёдимда колгандир бошқа бир замон:  
Эзгу хаёлларда мен ўзим, баъзан,  
Бахтли узангуни ушлайман; бир он  
Латиф бир оёқни қўлда сезаман.  
Хаёлларим ошиб-тошади яна.  
У гўзал оёқнинг тегишигина  
Бу сўлғин қалбимда ёкиб кўяр қон.  
Янада муҳаббат, яна дард-ҳижрон...  
Маҳмадона созинг ила етар, бас,  
Мадҳ этиб куйламоқ такаббурларни:  
На севгига, дардга, на илҳомлари  
Тўқиган куйларга улар арзимас;  
Бу сеҳргарларнинг сўзи ва кўзи  
Нак оёкларидай алдокчи ўзи.

### XXXV

Онегиним қалай? Мудраб ва эснаб,  
Ётотққа у жўнаб кетади балдан;  
Ҳар вақт ғовур-ғувур Петербург эса  
Дўмбира товуши ила уйғонган.  
Савдогар туради, ташувчи борар,  
Извошли биржаси томон югурап,  
Шошади хурмали бир сутчи хотин,  
Тонгти қор ғирчиллар у юрган сайин.  
Бошланди ёқимли тонгнинг сурони.  
Дарчалар очилди. Қувурдан тутун  
Юксалди ҳавога нақ мовий қуюн  
Қоғоз қалпоқ кийган немис новвойи  
Худди ҳар кунгидай, кечикмай бир он,  
Дўкон очиб, савдо қиласи чаққон.

## XXXVI


Балнинг шовқини-ла қурган тинкаси,  
Онегин учун тонг ярим тунгина.  
У ўйин-кулгию зийнат эркаси,  
Ётади роҳатда ухлаб тинчгина.  
Пешинда уйгонар, тонггача лекин  
Бояги тартибда умр ўтар тагин.  
Қандай хаёт дейсиз? Бир хил ва рангли,  
Эртанги ҳаёти кечанинг айни.  
Бахтиёр ва хурсанд эдими, лекин  
Эркин юриб умрин кўклам чоғида,  
Порлоқ зафарларнинг кенг қутоғида,  
Ҳар кунги завқ-сафо ичра Онегин!  
Зиёфатлар ичра у эҳтиётсиз,  
Соғломди: бу ҳаёт қолдирмади из!

## XXXVII

Йўқ: унинг ҳислари совиди эрта;  
Зериктирди кибор ҳаёт шовқини;  
Фикрини гўзаллар, жононлар қисқа  
Замонгина машғул этганди уни;  
Хиёнатлар уни чарчатиб кўйди.  
Дўстлар, дўстликлардан жуда тез тўйди.  
Яна ҳар кун лазиз таомлар ейиш,  
Ҳар кун шампанский қониқиб ичиш,  
Боши оғриб турган паллада яна  
Рангдор, ингичка сўз ёғдириш ҳарён,—  
Булардан зерикди, дили бўлди қон.  
Гарчи у бўлса-да қизгин, шумтака,  
Кўнгли қолган эди унинг ҳар ишдан:  
Ҳам жангдан, ҳам ўқдан ҳамда қиличдан.

## XXXVIII

Онегин мубтало иллат сабабин  
Кидириб топишнинг келгандир чоғи.




Инглиз зиккига ўхшайды, лекин  
Қисқасин айтганда: рус хафакони  
Секин-секин уни эгаллаб олди.  
Тангрига шукурки, уринмай қолди  
У отиб ўзини ўлдириш учун.  
Аммо совиганди ҳаётдан бутун.  
Чилд Ҳаролд<sup>50</sup> каби ғуссалы, синик,  
Құноқхоналарда бўлар намоён.  
Киборлар ичида на ғийбат, бўстон<sup>51</sup>,  
На тотли бир бокиш, на бежо килик,  
Ҳеч бир нарса унга таъсир этмасди,  
Юради ҳеч нарса пайқамай асти.

### XXXIX, XL, XLI

.....  
.....  
.....

### XLII

Эй серқилик, кибор нозанинлари  
Сизни у тарк этди ҳаммадан бурун.  
Рост айтсам, киборлар қилиғи бари  
Анча бездирувчи бўлибdir бугун.  
Эҳтимол, баъзи бир хоним бир қадар,  
Бентомни ва Сейни<sup>52</sup> изоҳлай олар;  
Лекин улар гапи-сўзи, умуман,  
Бегубор эса-да, маҳрум маънодан.  
Яна улар тагин шундай бегуноҳ,  
Ва шундай улуғвор, шундай донишманд.  
Такводорлик билан юраклари банд,  
Шунчалар субутли, зийрак ва огоҳ,  
Шундай номаҳрамдир уларга эркак,  
Афтларини кўриб хун бўлар юрак. (⁶)



### XLIII

Петербургнинг кенг, тош кўчаларидан,  
Кечки паллаларда учкур ва кўркам  
Аравага тушиб кетувчи хурсанд,  
Гўзал, ёш хонимлар, ахир сизни ҳам  
Бутун ташлаб кетди бизнинг Евгений;  
Жўшқин завқ-сафодан қочиб у энди  
Уйига бутунлай қамалиб қолди.  
Зерикуб қўлига қаламни олди,  
Ёзишни истади: мушкул, зўр меҳнат  
Кўнглини айнатди, эзди, қаламдан  
Ҳеч нима чикмади; у шунинг билан  
Қаламкаш аҳлига бўлмади улфат,  
Мен бу касб ҳакида бир сўз демайман,  
Чунки унга менинг ўзим мансубман.

### XLIV

Бекорчиликка у берилди яна,  
Рухида бир бўшлиқ сезди кун сайин.  
Катта гўзал ишга қилди ҳафсала –  
Билим орттиришга киришди қизғин.  
Токчага қалади жилд-жилд китоблар,  
Ўқиди, ўқиди; фойдасиз, бекор:  
Бирида дилгирлик, талваса, хато;  
Бирида виждон йўқ, бирида маъно.  
Ҳаммасида ҳар хил иримдан нипон.  
Қадимгилик қадри эскиган жуда,  
Янгилик ичиди эски сафсата.  
Китобларни ташлар хотинларсимон,  
Чанг босган китоблар ётган токчага,  
Тортади қоп-қора қалин пардача.

### XLV

Кибор ҳаётининг отиб эрмагин.  
Бехуда шовқиндан қочиб у каби

Дўстлашган эдим мен, у замон лекин  
Менга ёкқан эди бор хислатлари.  
Хаёллар, ўйларга эрксиз садоқат,  
Тақлид қилиб бўлмас ажиб бир сифат,  
Фикри, қарашлари совуқ ва кескин,  
Мен ғазабли эдим, у эди ғамгин.  
Ўйинин билардик хирснинг иккимиз:  
Биз иккимизни-да бездирган ҳаёт,  
Учганди қалб ўти иккимизда бот.  
Яна кутар эди худди умримиз  
Тонгларида бизнинг иккимизни ҳам  
Инсонлар, кўр тақдир ғазаби ҳар дам.

## XLVI

Яшаб фикр қилган киши ҳар замон  
Рухида инсондан нафрат этгуси.  
Ҳис этган кимсага солар ҳаяжон  
Қайтиши имконсиз кунлар шарпаси:  
Унга қолмас асло фусун, жозиба,  
Уни хотиралар илони ила,  
Яна пушаймонлар ичдан кемира.  
Буларнинг барчаси кўпинча берар  
Ширин бир нағислик сўзга, жумлага,  
Онегиннинг тили мени даставвал  
Саросима қилди; кейинча мен сал  
Кўниқдим ундаги таънали гапга,  
Заҳар аралашган ҳазилига ҳам  
Чидадим энг ўсал ҳажвига ҳар дам.

## XLVII

Ёз фасли кўп чоклар бирга эдик биз,  
Неванинг устида кеча самоси (?)  
Очилар тип-тиниқ, ёруғ ва чексиз,  
Сувларнинг нашъали ўйноқ ойнаси  
Тўлин ой жамолин акс этмас экан,


Үтмиш қиссасини кечириб ёддан,  
Биз жим эслар эдик кечмиш севгини,  
Биз бегам, бүшаган ҳислар тизгини;  
Бу сўлим кечанинг нафаси бутун –  
Бизларни айларди бехуш, жимгина  
Қамоқдан кўм-кўк бир ўрмон ичига  
Ухлаган пайтида элтилган тутқун  
Сингари, хаёлда учардик биз ҳам,  
Ёш умр баҳори қайда, деб шу дам.

### XLVIII

Туради фикрга толиб Евгений;  
Рухи тўла эди афсуслар билан,  
Ўзин тавсифлаган бир шоир каби <sup>(8)</sup>,  
Соҳилда гранит-тошга суюнган.  
Ҳамма ёқ жимжитди; ёлғизгина тун  
Посбонлари баъзан чиқаарди ун,  
Извошчининг олис дукури баъзан,  
Эшитилар эди Миллионнаядан<sup>53</sup>;  
Эшкакларни уриб ёлғиз бир қайиқ  
Мудраган дарёда сузарди аста,  
Бизни килар эди мафтун, дилбаста –  
Узоқдан бир ҳайу ёқимли қўшиқ.  
Тун базми ичиди лекин тотлирок  
Торкватто<sup>54</sup> шеърининг куйлари ҳар чок!

### XLIX

Адриатик денгизи тўлқинлари, ман –  
О, Брента<sup>55</sup>! Сизни кўтарман албат,  
Илҳомларим тўлиб-тошиб янгидан,  
Сеҳрли товшингиз эшитмоқ ният!  
Бу товуш Аполлон набиралари  
Учун муқаддасдир; уни куй каби,  
Альбион созидан туйдим, таниш у.  
Гоҳ сўзамол, гоҳо индамас сулув –  
Венецияли ёш бир жонон билан



Сирли бир қайиқда мен сузиб, олтин  
Гўзал Италия туенинг эркин  
Оғушида ишқдан лаззатланарман,  
Петрарка<sup>56</sup> ва севги тилин у замон  
Багишлайди менга бу дилбар жонон.

## L

Келадими менинг эрким замони?  
Келмишдир фурсати! Кумсайман эрким;  
Денгиз қирғоғида очик ҳавони (<sup>9</sup>)  
Кутаман; имлайман кема чодирин.  
Қачон бўронларнинг ридосида, ман  
Мавжлар-ла курашиб, денгизнинг улкан  
Кўксида бошлайман сафарни эркин?  
Менга адоватли денгиз қирғоғин  
Тарқ этмакнинг энди келмиш замони.  
Жануб кенгликлари кўксида яйраб,  
Африкамнинг<sup>57</sup> тиник кўкига караб (<sup>10</sup>),  
Россияни ўйлаб оҳ чекиш чоғи,  
О, мен бу ерларда қанча дард чекдим.  
Бу ерларда севдим, кўмдим юрагим.

## LI

Ажнабий юртларнинг томошасига  
Онегин шайланган эди мен билан.  
Лекин биз тақдирнинг тақозосича,  
Узоқ вақт айрилдик бир-бирамиздан.  
У замон отаси вафот килганди.  
Онегин қошига дув йифилганди  
Қарз бергувчиларнинг очкўз тўдаси:  
Ҳар кимнинг ўз ақли ва ўз режаси:  
Даъволардан нафрат қилди Онегин  
Ўз чекидан ўзи бўлганди рози,  
Қарзни тўлаш учун кетди мероси,  
Катта бир зиён ҳам кўрмади, лекин  
Гўё билган эди у олдинданок  
Қари амакининг ўлишин тез чоқ.

## LII

Чиндан ҳам Евгений кутмаган дамда  
Иш бошқарувчидан олади бир хат.  
Үлим олдидамиш амаки; ҳамда  
Видолашувни у истармиш фақат.  
Қайгули номани ўқиб Евгений  
Шу он суриштирмай нари-берини,  
Почтовойда чопди учрашиш учун.  
Ақча дарди уни эгаллар бутун.  
Алдаш, йифи-сиги учун у ҳозир.  
(Романни бошлаган эдим бу билан);  
Зерикар, хомуза тортар олдиндан.  
Мана, у кишлокқа етади охир.  
Күрарким, тахтада ётар амаки,  
Ерга жо бўлажак совға сингари.

## LIII

Кўрди хизмат аҳли тўлган кўрани;  
Азага келишар яқин-узокдан.  
Кўмиш маросимин ҳаваскорлари,  
Дўстлар, бегоналар – бари ҳар ёқдан.  
Ўлик ҳам кўмилди; овкат еб-ичиб  
Поп, меҳмонлар жўнар гердайиб тинчиб,  
Гўё бажардилар жиiddий бир ишни.  
Онегин қишлоқда яшовчи киши  
Бўлиб қолди энди. Мана у ўрмон,  
Ер-сув, заводларга тамом хўжайин.  
Шу чоккача танти, исрофгар, олтин  
Қадрини билмаган бу танбал инсон  
Ҳозир жуда хурсанд; у илгариги  
Йўлин алмаштириди, на бўлса майли.

## LIV

Янгидаи кўринди икки кунгина  
Онегинга жимжит, танҳо далалар,

Қоронғи ўрмөннинг салқини, яна  
Булоклардан учган майин садолар;  
Учинчи кун тепа, дала, чакалак  
Уни овунтира олмади андак;  
Улар сүнг келтирди унинг уйқусин;  
Ва сүнгра кўп равшан кўрди Онегин:  
Қишлоқда ҳам худди ўша дилгирлик.  
Гарчи на кўча бор, на сарой, на ёр,  
На карта, на баллар, на мунда шеър бор.  
Хафақонлик уни қўймай бир энлик,  
Пойларди кетидан пояма-поя,  
Вафодор хотиндай ё мисли соя.

## LV

Тинчлик ҳаёт учун мен туғилганман,  
Туғилганман қишлоқ сукути учун:  
Соз саси пасқамда жаранглайди шан,  
Ижодий хаёллар жон, конга тўлғун.  
Маъсум, тин онларга берилиб тамом  
Жимжит кўл бошида ёлғиз ҳар айём  
Юраман, бекорлик – менинг қонуним.  
Ҳар кун тонг пайтида уйғонаман жим,  
Ширин ҳузур учун, эркинлик учун:  
Озгина ўқийман, кўпроқ ухлайман  
Ўткинчи шухратга назар солмайман,  
Ўтмиш замонларда мен – нақ шу йўсин  
Кечирмаганимидим кунларим бекор,  
Яшамаганимидим шундай баҳтиёр!

## LVI

Чаман, севги, қишлоқ, сайд этиб юриш,  
Далалар! Мен сизга содикман руҳан.  
Онегин-ла меним орамда бўлмиш  
Фаркни қайд этишга ҳар вақт мен хурсанд,  
Токим, истеҳзоли бирор ўкувчи,  
Ёки мохирона тухмат тўкувчи,


Бирон нашриётчи менинг хислатим  
Қиёс этиб яна у демасинким,  
Мағрурлик куйчиси Байрон<sup>58</sup> сингари,  
Үз портретимни мен чизганман бунда,  
Гап сотиб юрмасин у унда-мунда.  
Үйлашарки, биз-чун имконсиз каби  
Бошқалар ҳакида яратмок достон,  
Гүё шоир үзин қиласмиш баён.

## LVII

Айтиб үтай яна: бутун шоирлар  
Хаёлчан севгининг дўстидир, лекин  
Бир замон энг гўзал лавҳалар, сирлар  
Тушимга киради. Руҳим яширин,  
Гўзал тасвирларни сақлади маҳкам,  
Кейинча уларни жонлатди Музам:<sup>59</sup>  
Мен шундай, қайғусиз, тараннум этдим,  
Тоғларнинг қизини, менинг идеалим,  
Салгир<sup>60</sup> бўйларининг асиralарин.  
Эшлитиб қоламан, дўстларим, ҳозир  
Савол билан мени қиласиз манзур:  
«Ким учун бу созинг чекади, охин?  
У рашкли қизлардан кимни хушлабсан,  
Қайсига созингда куй бағишлабсан?

## LVIII

«Илҳоминг мавжлатиб кимнинг нигоҳи,  
Армуғон этмишdir самимиy меҳр,  
Сенинг бу ўйловчан куйингга, қани?  
Сенинг шеъринг кимни Оллоҳ деб танир?»  
Дўстларим, ҳеч кимни, Худо ҳакки!.. Ман  
Бошимдан кечирдим, маҳрум нашъадан,  
Мухаббатнинг телба ғалаёнини.  
Ишқ-ла қофиянинг ҳаяжонини  
Кимки қўшабилса, у инсон хушбахт:  
У шеърнинг муқаддас сирли садосин



Янгратар ва босар Петрарка изин;  
Қалбнинг азобини тинчтар; шул вакт  
Муяссар бўлади унга шараф-шон;  
Лекин мен севганда эдим лол, нодон.

## LIX

Ишқ кечди, кўриниш берди илҳомим,  
Зулмат босган фикр нурланди секин;  
Озодмен, янгидан излайман доим  
Сехркор садолар, хаёл, ўй базмин.  
Ёзаман, юрагим билмас дард нима...  
Ёзилиб битмаган шеърлар ёнига  
Қалам хушсизланиб чизмайди расмин  
Хотин болдиrlарин ва чехраларин.  
Ўчган кул лов этиб ёнмас янгидан,  
Яна кайғураман! Кўзимда йўқ ёш.  
Мана энди бўрон излари юваш  
Рухимда жим бўлиб қолар тамоман.  
У чоғда ёзарман йигирма бешта –  
Кўшиқдан иборат достон, албатта.

## LX

Ўйларкан асарнинг режасин секин  
Ва қаҳрамонимни на деб атайман;  
Романнинг ҳозирча биринчи қисмин  
Битирдим; буларнинг барин қайтадан  
Кўриб чиқдим қатъий бир диққат ила;  
Бунда зиддиятлар хали кўпгина,  
Лекин тузатишни мен истамайман;  
Сензурга<sup>61</sup> ўзимнинг бурчим тўлайман,  
Журналистларга ҳам чайнамоқ учун  
Меҳнатим мевасин берарман яна:  
Эй янги туғилган асарим, жўна,  
Нева бўйларини кезиб чиқ бутун;  
Менга хизмат қилиб, қозон шараф-шон:  
Кинғир сўз ва ур-сур, сўкиш ва сурон!

---

## ИККИНЧИ БОБ

O, rus!  
Hor.<sup>62</sup>  
O, Rus!

### I

Евгений Онегин зериккан қишлоқ,  
Гүзәл, латофатли бир гүша эди;  
Бу ерларда кимки соф завққа инок  
Тангрига шукурлар қылса арзирди.  
Аслзода уйи холис тамоман,  
Шамоллардан уни тоғ паналаган,  
Бир кичик дарёнинг тепасидадир;  
Қаршидан узоқда яшнар дала-қир,  
Үтлоқлар ва олтин экинзорлар ҳам.  
Қишлоқлар олисда жим-жим милтииар.  
Подалар үтлоқда секин тентиар.  
Куюқ құлкасини кенг ёяр-гилам  
Сингари, бокымсиз каттакон бир bog,  
Үйчан дриадлар<sup>63</sup> маскани ҳар чоғ.

### II

Солинган эди бу шарафли қаср,  
Одатда қасрга хос бир йүсінда:  
Уғоят мустаҳкам, савлатли, оғир,  
Маъқұл қадимийлик диди бор унда.  
Ҳар томонда баланд уйлар-бұлмалар,  
Мемонхоналарни шойилар безар,